

ЎСМИР ФАРЗАНДЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ (ижтимоий-педагогик аспект)

Моҳира Холиқова,
фалсафа доктори, доцент

*Халқнинг бахт-саодати болаларни
тўғри тарбиялашга боғлиқ.*
Джон Локк

*Болаликка буюк ҳурмат-
эҳтиром билан қараш лозим.*
Ювенал

Шахснинг физиологик, маънавий-руҳий шаклланиши ўта мураккаб жараён бўлиб, ҳар бир ёш даврининг ўз қонуниятлари мавжуд. Масалан, болаликнинг илк ёшларида дунёни англаш, фазога мослашув ривожланади, кексаликда когнитив ва психомоторик функцияларнинг секинлашуви кузатилади.

Ўсмирлик ёши бола тарбиясининг энг мураккаб босқичи саналиб, унда ота-оналардан алоҳида масъулият ва ҳақиқий ғамхўрлик талаб қилинади.

Ўсмирлик ёши энг таъсирчан давр бўлиб, бу даврда тўғри йўналтирилган бола тарбияси кейинги ҳаёт учун асос бўлади.

Ўсмирлик даврини кўпинча “ўтиш даври”, деб юритадилар, чунки ана шу даврда болалиқдан катталиқ ҳолатига ўзига хос ўтиш даври юзага келади.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, дунё аҳолисининг олтидан бир қисмини (1 миллиарддан ортиқ) 10 ёшдан 19 ёшгача бўлган ўсмирлар ташкил қилади (2018 йил). Ўсмирлик ёшига нисбатан кўпинча **тинейджер** ибораси қўлланилади. Тинейджер “13-19 ёшдаги бола” маъносини англатади. (инглизчадан *teen* — 13 дан 19 гача бўлган рақамларнинг таркибий қисми, *age* — ёш).

Замонавий илм-фан ўсмирлик даврини мамлакат (яшаш ҳудуди) ҳамда миллий-маданий хусусиятлардан келиб чиқиб аниқлайди.

БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) терминологиясидан келиб чикиб 10-19 ёш “ўсмирлик даври” деб баҳоланади.

Француз педагоги ва нейропсихиатри **Анри Валлон** жинсий етилиш ва ўспиринлик даврини 12 ёшдан 18 ёшгача деб белгилайди.

Таниқли педагог, психолог **Даниил Эльконин** ўсмирликнинг икки даврини фарқлайди: илк ўсмирлик даври (12-14 ёш) ва катта ўсмирлик даври (15-17 ёш).

Лев Виготский пубертат (жинсий етилиш) даври деб 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган диапазонни кўрсатади.

Ўсмир ёшда бола организмда кескин ўзгаришлар рўй бера бошлайди. Бу ўзгаришларнинг физиологик, руҳий, интеллектуал, психологик жиҳатлари бор.

Физиологик ўзгариш жинсий етилишнинг бошланиши ва бу билан боғлиқ равишда танадаги барча аъзоларнинг ривожланиши ва қайтадан шаклланиши билан кечади.

Ушбу фаолият юрак-қон, нерв, айниқса, эндокрин тизимининг ўзгаришлари билан боғлиқ ҳамда организм тўқималарининг ўсиши ва муҳим ички секреция безларининг (қалқонсимон без, буйрак усти беши ва жинсий безлар) фаол ишлаши билан кечади.



Бунинг натижасида бўй ўсиши тезлашади, жинсий балоғатга етиш амалга ошади. Бу даврда ўсмирлар ўзларини катталардек тутишга ҳаракат қиладилар ҳамда қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқаришга интиладилар.

Ўсмирлар танасида содир бўлаётган ўзгаришларга ҳаддан ортиқ таъсирчан бўладилар.

«**Ўтиш даври**» деб ном олган ўсмирлик ёши специфик психологик хусусиятга эга. Бу ёшда болалар ташқи таъсирларга ва ҳиссиётларга жуда берилувчан бўладилар, мардлиқ, жасурликни намоён қиладилар.

Ўсмирлар масаланинг ахлоқий жиҳатларига эътибор қарата бошлайдилар, адолатга интиладилар, ота-оналарининг ахлоқий эътиқодларини ўзлаштирадилар. Бу даврга кучли ижтимоийлашув (хаётий

тажриба орттириш, ижтимоий ролларни, муносабатлар, эътиқод ва хулқ-атвор шакллари (ўзлаштириш) хосдир. Ўсмирлар бўш вақтининг асосий қисмини дўстлари, тендошлари даврасида ёки мактабда ўтказадилар.

Ўсмирлар доимо баҳслашадилар. Ўсмирлар катталарнинг, оналарнинг, устозларнинг маслаҳати, тўғри йўлни кўрсатишларига қарамай, ўз фикрларини ўтказишга ҳаракат қиладилар.

Ўсмир ёшда хос бўлган характер хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- ✓ ўзгарувчанлик;
- ✓ ўжарлик;
- ✓ эмоционаллик;
- ✓ ўз фикрини ўтказишга уриниш;
- ✓ қадриятлар тизимининг ўзгариши;
- ✓ ўсмирлик эгоцентризми;
- ✓ “мен-концепцияси”нинг ривожланиши;
- ✓ ҳаётий режалар қуриш;
- ✓ келажак касби ва идеали билан боғлиқ билимларга эҳтиёж;
- ✓ хотира, нутқ, тафаккур жараёнларининг жадаллашуви;
- ✓ мантикий тафаккурнинг ривожланиши;
- ✓ ўз-ўзини англаш даражасининг кенгайиши;
- ✓ олам ҳақидаги билимларнинг чуқурлашуви;
- ✓ ўйин фаолияти камайиб, янги фаолиятлар юзага келиши;
- ✓ ўз фаолиятини назорат этишнинг ривожланиши;
- ✓ ўзини-ўзи бошқаришга интилиш;
- ✓ оилавий муаммолар муҳокамасида иштирок этишга интилиш;
- ✓ катталарнинг қўллаб-қувватлашларига бўлган эҳтиёж;
- ✓ қаттиқ чарчаш ҳолатларининг пайдо бўлиши;
- ✓ диққатни тўлиқ жамлай олмаслик;
- ✓ ўзига кўпроқ ишонч;
- ✓ келиша олмаслик, муросасизлик;
- ✓ камчиликларини тан олмаслик;
- ✓ ўз имкониятларини ортиқча баҳолаш;
- ✓ ўзини ҳақ эканлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш;
- ✓ катта бўлиб қолганлигини атрофдагиларга ишонтириш.

Ўсмир ёшдаги болаларнинг ота-оналаридан катта масъулият, эътибор, меҳр, ишонч, тушуниш талаб этилади. Бу ёшда катталар ўсмирларни билиб-билмай қўяётган камчилик ва хатоларини кўпчилик ичида уялтириб, камситиб эмас, балки педагогик тактга риоя қилиб, сабр билан англантиши зарур.

Ўсмир болаларнинг дўстлари, тенгдошлари билан мулоқотда бўлиши ғоят катта аҳамиятга эгадир. Бу ёшда карама-қарши жинс вакилларига қизиқиш ва эътибор пайдо бўлади.



Ота-она ўз сўзи ва ҳатти-ҳаракати билан ибрат бўлиши, боланинг шахсий маконини ҳурмат қилиши, болага ўз нуқтаи назарини ўтказмаслиги ҳамда конструктив мулоқот олиб бориши зарур.

Ўсмирлик ёши дунёқараш, эътиқод, ҳаётий позиция, ўзлигини англаш, баҳолаш даври ҳисобланади. Ўсмир ўз фаолиятини муайян тамойил, эътиқод ва шахсий нуқтаи назари асосида ташкил қила бошлайди.

Ўсмир шахсининг камол топишида ўзини англаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўсмир ўз кучи ва қуввати, чидамлилиги ортаётганини, билим савияси ошаётганини англай бошлайди. Буларнинг барчаси унда катталиқ ҳиссини ривожлантиради. Унда ортиқча назоратдан, зериктирадиган ғамхўрликдан холи бўлиш истаги вужудга келади.

Ўсмирлик ёши дунёқараш, эътиқод, ҳаётий позиция, ўзлигини англаш, баҳолаш ва ҳоказолар шаклланадиган давр ҳисобланади.

Кичик мактаб ёшидаги бола катталарнинг кўрсатмалари ёки ўзининг тасодифий, ихтиёрсиз орзу-истаклари билан ҳаракат қилса, ўсмир ўз фаолиятини муайян принцип, эътиқод ва шахсий нуқтаи назари асосида ташкил қила бошлайди.

Ўсмирларда ўзини англашнинг ривожланиши шахсий хулқ атворини тушунишдан бошланиб, ахлоқий фазилатини, характерини, ақлий имконият ва қобилиятини билиш билан яқунланади.

Ўсмирда ўзини англаш ривожланиши учун синф жамоаси ва оила аъзоларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Унинг хатти ҳаракати, ўз кучига, майлига, ёшига лойиқ ижтимоий муносабатлари, муайян муҳитда ўз ўрнини топишга интилиши ўзини англашининг такомиллашувига пухта замин яратади.

Ўсмирлар ўзини англаш босқичида ўзига хос ахлоқий намунани танлайдилар. Улар ўзига намуна бўлган шахснинг хулқ-атвори билан ўзининг хатти-ҳаракатини солиштиради ва ўзининг ижобий ёки салбий жиҳатларини англаб етади. Ўсмир китоб қаҳрамонларидан, фильм иштирокчиларидан ўрнак олиб, гоҳо уларга тақлид қилиб, иродаси ва характер хислатларини ишга солиб, ҳар хил хусусиятларни эгаллашга интилади.

Ўсмирлик ёшида катталиқ ҳиссининг пайдо бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Катталиқ ҳисси ижтимоий-ахлоқий соҳада, ақлий фаолиятда, қизиқишда, муносабатда, хулқ-атворнинг ташқи шаклларида ўз ифодасини топади.

Ушбу туб ўзгаришлар ривожланаётган шахснинг бошқа инсонлар билан ва ўз-ўзи билан ҳам муқаррар зиддиятлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Бундай вазиятда ота-оналарнинг вазифаси зиддиятларнинг пайдо бўлмаслиги ва мавжуд зиддиятларни кучайтирмасликдан иборатдир. Ўсиб бораётган бола билан шахслараро муносабатларни вақтида қайта кўриб чиқиш лозим.

Бу ёшда болалар ва уларнинг ота-оналари ўртасида қуйидаги низолар тури кузатилиши мумкин:

- хатти-ҳаракатни баҳолаш мезонларини доимий ўзгартириш;
- ўта ғамхўрлик қилиш;
- мустақилликка бўлган ҳурматсизлик;
- ота-оналарнинг ҳар қандай музокарада фарзандларига ўз ҳукмини ўтказиши;
- ота-оналарнинг боланинг хатти-ҳаракатларига ишончсизлик билдириши.

Ўсмирлик ёши бола тарбиясининг энг мураккаб босқичи саналиб, унда ота-оналардан ҳақиқий ғамхўрлик талаб қилинади. Ўсмирлик ёши энг таъсирчан давр бўлиб, бу даврда тўғри йўналтирилган бола тарбияси кейинги ҳаёт учун асос бўлади.

Ўсмир болага мустақил ва эркин бўлишга имкон бериб, айти вақтда унинг хулқини диққат билан назорат қилинг.

Болага ғамхўрлик қилиш, унинг ҳаётида иштирок этиш, уни руҳан кўллаб-қувватлашга тайёрлигини кўрсатишни унутманг. Ўсмир ёшидаги болалар учун уларнинг ота-оналари билан мулоқот қилишларида уларни тенг ҳуқуқли деб қабул қилишлари муҳим аҳамиятга эга. Шундагина фарзандингиз катталар тажрибасини ва донолигини ҳисобга олишга тайёр бўладилар.

Таъқиқлар кўйишда, албатта унинг сабабларини кўрсатиб ўтинг. Болага нима учун таъқиқлар кўйганини, ўйламасдан қилинган ишларнинг натижаси нимага олиб келишини ҳам тушунтиринг. Бола билан биргаликда муаммонинг энг яхши ечимини топинг.

Фарзанд тарбияси улкан сабр, кунт ва вақтни талаб қилади. Бу соҳада маҳоратга эриш учун ўз устингизда ишланг, фарзанд тарбиясига оид китобларни мутолаа қилинг.

Фарзандингизни бошқа болалар билан дўстлашишга ўргатинг.

Фарзандингизнинг дўстларини баҳолашда уни ота-онасининг мавқеи, имкониятига қараб эмас, фарзандингизга бўлган муносабатига эътибор беринг. Фарзандингизни дўстликдаги садоқатини рағбатлантиринг. Фарзандингиз ўртоқларини уйингизга меҳмонга таклиф қилинг, улар билан мулоқот ўрнатинг. Дўстликда ростгўй бўлиш, манфаат кўзламаслик кераклигини ўргатинг.

Фарзандингиз дўстига ишонгандай ўз сирларини сизга айтса, сизга бўлган ишончини суистеъмол қилманг.

Боланинг ўзига ишончсизлиги сабабларидан бири оилада унинг фикри кадрланмаслигидир. Фарзандингиз билан тез-тез мулоқот қилинг, бунда диалогдан кўпроқ фойдаланинг. Фарзандларингизни безовта қилаётган кўрқув, шубҳаларни эшитинг ва тушунишга ҳаракат қилинг. Шу тарзда агар Сиз болага ҳақиқий ғамхўрликни намоён қилсангиз, у ўз муаммоларини сизга ишонади.

Болада ривожлантиришда керак бўлган сифатлардан бири бу - оптимизм. Болаларни ҳаётини кўникмаларга кичикликдан ўргатиш керак. Болани ижобий руҳда тарбияланг. Унда ўзига ишонч, оптимизм каби сифатларни ривожлантиринг. Бу бутун ҳаёти мобайнида фойдали бўлади. Болани оптимизмга ўргатишдан олдин Сизнинг ўзингиз позитив кайфиятда бўлишингиз керак. Болани эзгу мақсадларга эришишга рағбатлантиринг.

Боланинг ютуқларини эмас, балки қандай бўлса шундайлигича яхши кўришингизни доимо фарзандингизга билдириб тулинг.

Ҳеч қачон болангизни бошқа болалар билан таққосламанг;

Болани фақатгина тенгдошлари билангина эмас, балки катталар билан ҳам эркин ва бемалол мулоқот қила олишга ўргатинг.

Куч билан болага таъсир ўтказманг, мажбур қилиш боланинг маънавий тарбиясига, шахсини ривожланиши учун салбий таъсир кўрсатади.

Ўсмир болангизнинг муаммоларига эътиборли бўлинг. Ҳеч бўлмаганда баъзи-баъзида болангизнинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг, ана шундагина болага қандай муносабатда бўлишингизни англаб етасиз.

Ўсмир ёшларни ижтимоийлашуви, қадриятлар тизими тўғри шакллантирилса, улар оилавий ҳаётга тўғри тайёрланса, келажакда низолар, ажралишлар каби оилавий муаммоларнинг олди олинади.